

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2025

**ЛИМОНЧИЛИКНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2025 йил

Эпизоотик осойишталикни таъминлаш бўйича услугий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 28 бет.

Мазкур услугий қўлланма мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим. Ушбу услугий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ	0
КИРИШ	5
ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР УМУМИЙ МАСАЛАЛАР	6
ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ	8
ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ.....	0
ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ҲАЙВОНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА КУЗАТИШ.....	0
ЭПИЗООТИК ВАЗИЯТНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРГА ЮБОРИШ	19
ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШҚА УСУЛЛАРИ.....	0
ИЛОВАЛАР	0

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
28.03.2019 йилдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида
давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5696-сон Фармони

Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2017 йилдаги 748-сон
қарори билан тасдиқланган Ҳайвонларни
идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш
тартиби тўғрисидаги низом



Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.1998 йилдаги "Техноген,
табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг
таснифи тўғрисида"ги 455-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2019 йилдаги
830-сон қарори билан тасдиқланган Аҳоли хонадонларида
ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган ҳўжалик
юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва
ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низом

Вазирлар Маҳкамасининг 27.06.2019 йилдаги "Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 532-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 31.08.2022 йилдаги
“Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига
қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 481-сон
қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 18.11.2020 йилдаги 729-сон
қарори билан тасдиқланган Органик ва органик-минерал
ўғитлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник
регламент



Вазирлар Маҳкамасининг 10.04.2023 йилдаги
“Давлат ветеринария назорати соҳасидаги руҳсат этиш
хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиби
тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш
ҳақида”ги 148-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 08.07.2011 йилдаги “Қаровсиз
қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ
хизматлар фаолиятини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарори



Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни
хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш
мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низом
(29.11.2019 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3198)



Ўзбекистонда ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқишини олдини олишга қаратилган тадбирлар устидан назоратни янада кучайтириш ҳамда эпизоотик барқарорликни таъминлаш, ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларини бошқа давлатлардан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида ҳар йили эпизоотияга қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, йил бошидан ҳайвонларни эмлаш, диагностика ва мониторинг тадбирлари ҳамда аҳоли орасида тушунтириш-ташвиқот ишлари белгилаб олиниб, йил давомида амалга оширилади.

Жумладан, 2024 йилнинг I ярим йилликда республикамизга қўшни давлатлардан касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасида 25 млн бош чорва моллари 11 турдаги ҳамда 55 млн бош паррандалар 4 турдаги касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирлари ўtkазилиши тизимли йўлга қўйилиб, ҳайвонлар сақланадиган 900 мингта биноларда доимий равишда профилактик дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари олиб борилмоқда.

Худудларда эпизоотик барқарорлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда жами бўлиб 24,5 млн та лаборатория диагностик таҳлиллари ўтказилди.

Жумладан, ҳайвонларнинг турли касалликларига ташхислаш учун 6,8 млн та лаборатория таҳлиллари, дехқон бозорларида реализация қилинадиган чорвачилик маҳсулотларида 5,9 млн та ва ўсимлик маҳсулотларида 11,8 млн та лаборатория таҳлиллари ўтказилди.

Ўз навбатида, мазкур соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини йўлга қўйиш долзарб масала ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Эпизоотик осойишталикни таъминлаш бўйича **услубий қўлланма** ишлаб чиқилди. Мазкур Қўлланма қишлоқ хўжалиги органлари хизматчилари ва соҳада фаолият юритаётган бошқа шахслар учун мўлжалланган.

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

Ветеринар осойишталик деганда, ҳайвонларнинг соғлиғига салбий омилларнинг зарарли таъсирлари, эпизоотия мавжуд бўлмаган, шунингдек ҳайвонларнинг яшashi учун қулай шарт-шароитлар таъминланадиган ҳолат тушунилади.

Эпизоотия — тегишли ҳудудда ҳайвонларнинг ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлари тарқалиши.

Эпизоотияга қарши тадбирлар — эпизоотиянинг олдини олишга, уни аниқлашга ёки тугатишга доир ташкилий ва маҳсус ветеринария тадбирлари тизими.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари — пайдо бўлишига ҳайвонларга касалликларнинг қўзғатувчилари таъсири сабаб бўладиган, тарқалиши ҳамда бошқа ҳайвонларга ва одамга ўтиши эҳтимоли мавжуд бўлган касалликлар.



 Эпизоотик жиҳатдан осойишта бўлган бошқа давлатлардан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг Ўзбекистонга олиб кирилишига ва Ўзбекистондан олиб чиқилишига, шунингдек Ўзбекистон ҳудуди орқали транзитига **ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига** риоя этилган ҳолда йўл қўйилади.

 Бошқа давлатлар ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари, ҳайвонларнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ялпи касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлган тақдирда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб ўтишга тақиқ, чеклов жорий этиш ҳамда уларни олиб ўтишни тиклаш тўғрисидаги қарор

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан қабул қилинади.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб ўтишга тақиқ, чеклов жорий этиш ҳамда уларни олиб ўтишни тиклаш тўғрисидаги қарорлар билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг.



Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб киришдан олдин юридик ва жисмоний шахслар экспорт ва транзит қилувчи мамлакатлардаги эпизоотик вазият тўғрисида давлат ветеринария хизматидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Эпизоотик мониторинг ҳайвонлар юқумли касалликларини қўзғатувчиларни аниқлаш бўйича ахборотни тизимли равишда йиғиш ва ишловдан ўтказишидир.

» Эпизоотик мониторинг давлат ветеринария хизмати томонидан қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- ✓ эпизоотик вазиятни прогноз қилиш, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ва ушбу касалликларни қўзғатувчилар тарқалишини чеклаш бўйича тадбирлар мажмууни ишлаб чиқиш;
- ✓ чекловчи тадбирларни (карантинни) белгилаш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ✓ фаолияти ҳайвонларни сақлаш, сўйиш, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган корхоналардаги, муассасалардаги ҳамда ташкилотлардаги эпизоотик вазиятни хўжалик фаолияти хавфсиз амалга оширилиши учун аниқлаш;
- ✓ халқаро савдо-сотиқ ва давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ташиш учун мамлакатдаги эпизоотик вазиятни аниқлаш.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар

Эпизоотия – Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар.

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

**Ветеринария ва
чорвачиликни
ривожлантириш
қўмитаси асосий
вазифаларидан
бiri**

Эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш

»»» **Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси** эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликни барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун **масъул республика ижро этувчи ҳокимият органи** ҳисобланади.

**Қўмита ушбу вазифага мувофиқ қўйидаги функцияларни
амалга оширади:**

1. маҳсулот ва хом ашёларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига асосан экспертизадан ўтказиш тартибларини белгилайди ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;
2. ҳайвонлар ўта хавфли юқумли касалликларга чалинганлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда, зарур чоратадбирларнинг бажарилишини ўрганади ва мувофиқлаштиради;
3. белгиланган тартибда ветеринарияга оид статистика ҳисботини юритилиши ва тақдим этилишини талаб қиласди;
4. давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргалиқда эпизоотияга қарши тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

- | | |
|-----|--|
| 5. | ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари билан биргаликда эпизоотик осойишталиктни таъминлашга доир тадбирларни ташкил этади; |
| 6. | касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлиши сабабларини таҳлил қилади, уларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади; |
| 7. | ҳайвонлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва уларни тугатишга доир чора-тадбирларни амалга оширади; |
| 8. | хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ва илм-фан ютуқларини ўрганади, маълумотларни умумлаштиради ҳамда давлат ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади; |
| 9. | белгиланган тартибда ветеринария дори воситалари ва бошқа моддий-техника ресурсларининг захирасини яратади; |
| 10. | Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича профилактика, ташхис қўйиш ва тугатиш тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган ветеринария дори воситаларини ҳамда моддий-техника воситаларини белгиланган тартибда харид қилади ва марказлаштирилган ҳолда тақсимлайди; |
| 11. | эпизоотик ҳолат юзасидан мониторинг олиб боради. |



Қўмитанинг туман (шаҳар) бўлимлари

тегишли ҳудудда чорвачиликни ривожлантириш ва эпизоотик осойишталиктни таъминлашга тўсқинлик қиласиган тизимли камчиликларни аниқлайди, туман (шаҳар)ни ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлайди ва киритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:



 эпизоотияга қарши тадбирларни ўтказиша давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

-  тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;
-  тегишли ҳудуд аҳолисини эпизоотия ва нобоп пункт тўғрисида хабардор этади.

Бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ва давлат ветеринария инспекторлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, юридик ва жисмоний шахсларга зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ва эпизоотияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида **бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар** беради;

чегараолди туманларда, қўшни давлатларда юзага келган **эпизоотик вазият тўғрисида** тегишли органлар ва ташкилотларни хабардор қилади, тегишли ветеринария тадбирларини амалга оширади ҳамда зарур тавсиялар беради;

Идоравий ветеринария хизмати ветеринария назорати ва ветеринария хизмати талаб қилинадиган вазирликлар ҳамда идоралар тасарруфидаги хизматдир.

Идоравий ветеринария хизматининг ветеринария мутахассислари:

-  идорага қарашли муассасалар ва ташкилотлардан юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатишни таъминлайдиган чора-тадбирлар ўтказилишини, шунингдек эпизоотик вазиятни аниқлаш учун зарур бўлган ахборот тақдим этилишини талаб қилади;



 хизмат кўрсатилаётган корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда эпизоотияга қарши тадбирларни, даволаш, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказади.

Ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари – фаолияти чорвачиликни ташкил этиш ва юритиш, ҳайвонларни сақлаш, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни ҳамда ҳайвонларни даволаш учун мўлжалланган ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматларининг ветеринария мутахассислари:

- ◆ корхонанинг, муассасанинг, ташкилотнинг раҳбаридан ветеринария тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатишни таъминлайдиган чора-тадбирлар ўтказилишини, шунингдек эпизоотик вазиятни аниқлаш учун зарур бўлган ахборот тақдим этилишини талаб қилиши;
- ◆ хизмат кўрсатилаётган корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда эпизоотияга қарши тадбирларни, даволаш, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиши;
- ◆ ҳайвонлар ўта хавфли юқумли касалликларга чалингандиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда давлат ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилиши ва касаллик доираси кенгайиб кетмаслиги юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриши;
- ◆ эпизоотия пайдо бўлган тақдирда давлат ветеринария хизматининг кўрсатмаларига биноан ветеринария тадбирларини ўтказиши шарт.


Хусусий ветеринария фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари:

- ◆ ҳайвонларда юқумли касаллик борлиги хусусида шубҳа мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда давлат ветеринария хизматига зудлик билан

хабар қилиши ва касаллик доираси кенгайиб кетмаслиги юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриши;

◆ эпизоотия пайдо бўлган тақдирда давлат ветеринария хизматининг кўрсатмаларига биноан ветеринария тадбирларини ўtkазиши шарт.

Ҳайвонларнинг, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёнинг эгалари:



✓ ҳайвонларнинг касалликка чалиниши ҳолати, эпизоотик вазият тўғрисида, шунингдек ҳайвонларда, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёда ўтказилган маҳсус текширишлар натижалари ҳақида ветеринария хизматидан ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар вазирлиги



✓ аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидалар бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўради;

✓ ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг тақдимномаси бўйича қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз ва касал ҳайвонларни қутуриш жойларида, қутуриш касаллиги кўп учраши хавфи бўлган эпизоотик худудларда отиб ташлашни ташкил этади.

ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЎТА ХАВФЛИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ҮТКАЗИШ

вакцина	организмда маълум бир антигенга қарши иммунитет ҳосил бўлишини таъминловчи биологик препарат
ҳайвонларнинг юқумли касалликлари	ҳайвонларга касалликларнинг қўзғатувчилари таъсири сабабли пайдо бўладиган, тарқалиш ҳамда бошқа ҳайвонлар ва одамга ўтиш эҳтимоли мавжуд бўлган касалликлар

! Вакцинация тадбирлари мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли ҳайвонларда ўтказилади.

Вакцинация тадбирларини ўтказишнинг асосий мезони мониторинг маълумотлари асосида Қўмита томонидан **ҳар йили 1 октябрга қадар** ишлаб чиқилган прогнозга асосланади.



Қўмита ветеринария осойишталигини таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва улар тарқалишининг олдини олишга доир эпизоотияга қарши тадбирлар бўйича **доимий равища мониторинг** юритади.

Қўмита тизимли мониторинг натижаларига асосланиб, ҳокимликларга ҳудудларни ўрганиш ва **эпизоотияга қарши курашиб чораларини** кўриш зарурлиги тўғрисида **тезкор хабар** беради.

Октябрь
1



Қўмита, ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари вакцинация тадбирларининг ўтказилишини назорат қиласди.

Доимий равишда мониторингни юритиш мақсадида маълумотларни олиш усуллари:

- ◆ эпизоотик носоғлом худудлар тўғрисидаги маълумотларини тўплаш;
- ◆ клиник, патологоанатомик ва лаборатория текширувлар ўтказиш;
- ◆ касалланиш динамикаси, ҳайвонларни боқиш ва озиқлантириш, чорвачиликнинг ветеринария-санитария ҳолати, ветеринария хизматининг сифат даражаси ҳамда эпизоотик ўчоқни кузатиш;
- ◆ бошқа усуллар.

Мониторинг давомида мавжуд вазият аниқланади



Эпизоотик ўчоқлар мониторинг қилинади ва олинган маълумотлар баҳоланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилади



Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бўйича вакцинация тадбирлари ўтказилади ҳамда мунтазам назорат ўрнатилади

Вакцинация тадбирлари клиник текширувлардан ўтган **соғлом ҳайвонларда** ўтказилади



 Агар ҳайвон касал бўлса ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, вакцинация ушбу ҳайвон **тўлиқ тузалгунига қадар кечиктирилиши** мумкин.

Вакцинация тадбирлари ўтказиладиган ветеринария клиникаларига талаблар:

вакциналар сақланадиган музлаткич	мутахассис иш столи
асбоблар ва дори-дармонлар учун маҳсус шкафлар	ҳайвонларни маҳкамлаш столи
стерилизатор билан жиҳозланган алоҳида хоналар	
Биноларнинг деворлари ҳамда поллари тозалаш ва дезинфекциялаш осон бўлган материаллар билан қопланган бўлиши керак.	

Вакцинация тадбирлари ҳар бир туман (шаҳар)да ветеринария ходимлари томонидан ўтказилади.

22. Вакцинани фойдаланишга бериш даврида вакцинани қўллаш билан шуғулланадиган ветеринария ходимларига тегишли тушунтиришлар бериб борилади.

5-боб. Вакциналарни харид қилиш тартиби

23. Қўмита томонидан ўта юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолатидан ҳамда қўшни мамлакатлар билан чегарадош худудларда ушбу мамлакатлар томонидан расмий равишда эълон қилинган касаллик турларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун харид қилинадиган вакциналар рўйхати ҳамда миқдори ҳайвонлар турлари, қўлланадиган худудлар бўйича календарь йилнинг 1 июнига қадар аниқланади.

24. Харид қилинадиган вакциналарнинг турлари ва миқдоридан ҳамда уларнинг кутилаётган баҳосидан келиб чиқиб, кейинги йил Давлат бюджети параметрларида назарда тутилиши зарур бўлган маблағ ҳисоб-китоб қилинади.

25. Қўмита томонидан вакциналарни харид қилиш учун талаб этиладиган маблағ ҳисоб-китоби асосида қонунчиликда белгиланган

муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўрови киритилади.

26. Вакциналарни харид қилишда шаффофликни таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқарувчининг ёки препаратнинг аниқ номи кўрсатилишига йўл қўйилмайди ва фақат препаратнинг таъсир этувчи моддаси номи кўрсатилади.



27. Вакциналар «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида харид қилинади.

6-боб. Вакциналардан фойдаланиш ҳисобини юритиш


Вакцина ҳар бир ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимининг махсус жиҳозланган омборларида (шкаф ва музлаткичларда) сақланади.

29. Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан сарфланган ҳар бир препарат бўйича ҳисобот электрон дастурда юритилади ҳамда унда препарат қўлланилган ҳайвон эгаси, ҳайвон тури, қўлланилган препарат миқдори, санаси бўйича маълумотлар тўлиқ акс эттирилади.

30. Вакциналарни қўллаш такрорийлиги мазкур препаратларни қўллаш бўйича белгиланган меъёрдан ортишига йўл қўйилмайди.

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ҲАЙВОНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, РҮЙХАТГА ОЛИШ ВА КУЗАТИШ

»»» Конунчиликка кўра, **кузатиш** деганда ҳайвонларнинг яшаш даври давомида уларнинг келиб чиқиши, кўпайиши (кўпайтирилиши) ва ҳаракати, шунингдек, ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш ишлари бўйича мониторинг ўрнатиш тушунилади.



	<p>Ветеринария паспорти — ҳайвонга берилган ва идентификация рақамига мувофиқ расмийлаштирилган, ҳайвон эгасини белгиловчи, ҳайвонлар касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб бориладиган ҳужжат.</p>
--	---

! Ветеринария паспортида ҳайвонларнинг идентификация рақами (янги туғилган ҳайвонлар билан бирга уни туқсан ҳайвон тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади), касалликларга қарши профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

»»» Харидор ҳайвонни сотиб олганда ёки ҳадя сифатида олганда, **7 кун ичида** давлат ветеринария хизматига мурожаат қилиб, ҳайвонни **рўйхатга қўйиши шарт**.



Ҳайвонларнинг касалликларига қарши ўтказилаётган профилактика даволаш, ташхис қўйиш ишлари **доимий равища** кузатилади.



Идентификация қилинмаган ҳайвонларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан сақлаш ва боқиш тақиқланади.

»»» **Ҳайвон әгалари** ёки туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги **қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари:**

 юқумли касалликларга чалинганилиги гумон қилинган ва одамларга тажовуз қилаётган ҳайвонлар тўғрисида давлат ветеринария хизматларига мурожаат қилиши шарт.

ЭПИЗООТИК ВАЗИЯТНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРГА ЮБОРИШ

»»» Хорижий мамлакат ҳудудидаги эпизоотик вазиятни ўрганиш мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Мутахассис — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидағи давлат ветеринария инспекторлари ёки Қўмита томонидан жалб этилган мазкур соҳа эксперtlари.

Хорижий давлат ҳудудидаги эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни ушбу мамлакатга юбориш зарурати вужудга келадиган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ветеринария жиҳатдан юқори ёки ўрта хавфга эга бўлган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб кирилиши маълум бўлганда

хорижий мамлакат ҳудудидан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб киришнинг янги савдо йўналишлари очилганда

хорижий мамлакат ҳудудидан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб келишда ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллик қўзғатувчилари кириб келиши хавфи мавжуд бўлганда

носоғлом эпизоотик ҳудудда ишлаб чиқарилган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар олиб кирилиши режалаштирилганда

»»» Юридик ёки жисмоний шахс назорат остидаги товарлар этишириладиган ва ишлаб чиқариладиган хорижий мамлакат

ҳудудидаги эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассис юборишни сўраб Қўмитага ёзма ёки электрон шаклда аризатопширади.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса):

- ◆ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг олди-сотди (етказиб бериш) шартномалари нусхалари;
- ◆ давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш режаси.

»»» Қўмита ариза (чет эл ваколатли органи мурожаати (таклифи) келиб тушгандан бошлаб **7 иш куни ичидা** ўрганиб чиқади.

»»» Қўмита томонидан кўриб чиқиш натижасида хорижий мамлакат ҳудудига мутахассисларни юбориш зарурати:

мавжуд деб топилганда — бу ҳақда аризачи ёки чет эл ваколатли органига белгиланган муддатда хабардор қилинади ҳамда хорижий мамлакат ҳудудидаги эпизоотик вазиятни ўрганиш муддати келишилади;

мавжуд эмас деб топилганда — аризачи ёки чет эл ваколатли органига белгиланган муддатда сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади.

Хорижий мамлакат ҳудудидаги эпизоотик вазиятни ўрганиш учун мутахассисларни юбориш рад этиладиган ҳолатлар:

-  аризада нотўғри маълумотлар қайд этилган ёки тўлиқ қайд этилмагандан;
-  олиб келиниши режалаштирилаётган давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни Ўзбекистонга олиб кириш учун чеклов (тақиқ) ўрнатилганда;
-  хорижий мамлакат ҳудудида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари, келиб чиқиш сабаблари номаълум бўлган ҳайвонларнинг ялпи касалликлари ва ҳайвонларнинг илгари қайд этилмаган юқумли касалликлари пайдо бўлганда;
-  давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товар олиб келиниши режалаштирилган хорижий мамлакат ҳудудида ҳайвонларнинг юқумли касалликлари қўзғатувчилари мавжудлиги ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд бўлганда.

Хорижий мамлакатда эпизоотик вазиятни ўрганиш жараёнида мутахассислар амалга оширадиган ветеринария тадбирлари

чет эл қонунчиллик ҳужжатлари, бошқарув тизими ва ваколатлари, ҳайвонлар бosh сони, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва уларни истеъмолга яроқлилиги бўйича хуносалар бериш жараёнини текшириш;

чет эл давлат ветеринария назорати остидаги товарларни етиштириш ва ишлаб чиқариш жойларида мониторинг ўтказиш ва текшириш;

БХССТнинг Ҳалқаро ветеринария кодекси талабларига ва стандартларига мувофиқ текширув ва таҳлилларни ўтказиш;

давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни етиштириш ва ишлаб чиқариш тизимининг Ўзбекистон ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини текшириш;

ҳайвонларни карантинга қўйиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар (касалликлар профилактикаси, даволаш ва диагностика) ва уларнинг самарадорлигини кузатиш;

товарларда олиб бориладиган назорат ва назорат тариқасида ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижалари ҳамда уларнинг расмийлаштирилган ҳисоботлари мавжудлигини кўриб чиқиш;

зарур ҳолларда ветеринария сертификатлаштириш тизимини ўрганиш учун давлат ветеринария назорати остидаги товарлардан намуналарни танлаб олиш.

»» Мутахассис хориждан қайтиб келган кундан бошлаб 3 иш куни ичида **ҳисобот тайёрлайди** ва Қўмитага тақдим этади.

! Бунда, лаборатория текширувлари ва бошқа текширувлар ўтказилганда, мазкур текширувларнинг натижалари чиқсан кундан бошлаб 3 иш куни ичида ҳисобот тайёрланиши ва Қўмитага тақдим этилиши лозим.

»» Ҳисобот асосида **Бош давлат ветеринария инспектори** 1 кунда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни **олиб киришни тақиқлаш ҳақидаги қарор** қабул қиласди:



»» Ўрганиш натижасида эпизоотик вазият барқарор топилганда, Ўзбекистонга юқумли касалликлар кириб келиш хавфи йўқлиги ҳамда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни етиштириш ва ишлаб чиқариш тизими миллий ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ деб топилганда — давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни олиб кириш учун рухсатнома берилади.

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШҶА УСУЛЛАРИ

ЭПИЗООТИК ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШҶА УСУЛЛАРИ

Чорвачилик мажмуаларида кўриладиган чоралар

» Эпизоотия ҳолатида эпизоотик ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида **ҳар бир чорвачилик мажмуасида** суюқ гўнгни заарсизлантириш усуслари ва техник воситалар олдиндан назарда тутилган бўлиши лозим.

» Саноат чорвачилик мажмуаларининг тозалаш иншоотларида суюқ гўнгни **6 кун** сақлашни таъминлаб берувчи, карантинли сақлаш ёки секцияли гўнг сақлаш жойлари бўлиши лозим. Бу даврда мажмуадаги эпизоотик вазият аниқланади.



» Эпизоотия содир бўлганда эпизоотик ҳолатларда юқумли касалликларнинг қўзғатувчиси бўлган суюқ гўнгнинг барча массаси фракцияларга бўлинмасдан олдин **дезинфекция қилиниши керак**. Заарсизлантирилган гўнг белгиланган тартибда тасдиқланган технологияга мувофиқ қайта ишланади ва фойдаланилади.



✓ Агар суюқ гўнгни сақлаш ёки секцияли гўнгни сақлаш жойларида ҳайвонларнинг **хавфли касалликлари қайд этилмаган бўлса**, у ҳолда гўнг фракцияларга ажратишдан олдин дезинфекция қилинмайди ва қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш учун ташилади.

Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар экспорти, импорти ва транзити учун рухсатномани ҳамда ветеринария сертификатини бериш

»» Назоратдаги товарларни экспорт, импорт ва Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилишда 2 та талабга риоя қилиниши лозим:

- ◆ ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этиш;
- ◆ экспорт, импорт ёки транзит қилинаётган давлат эпизоотик жиҳатдан барқарор бўлиши.

Назоратдаги товарларни **экспорт қилиш учун** рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш **рад этилиши мумкин:**



Мамлакатда ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича эпизоотик ҳолат юзага келганда

Назоратдаги товарларни **импорт қилиш учун** рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш **рад этилиши мумкин:**



Экспорт қилувчи мамлакатда ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича эпизоотик ҳолат юзага келганда

Назоратдаги товарларнинг Ўзбекистон ҳудуди орқали **транзитига рухсатномани олиш** бўйича мурожаатни кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш **рад этилиши мумкин:**



назоратдаги товарлар экспорт қилувчи ёки транзит ўтувчи мамлакатлардаги эпизоотик вазият мураккалашган ҳолат халқаро шартномаларга мувофиқ мамлакатга салбий таъсир этиши белгиланганлиги

ИЛОВАЛАР

1-илюва

Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши вакцинация тадбирларини ўтказиш схемаси

	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1	Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Вакцинация тадбирларини — мониторинг маълумотлари асосида ишлаб чиқилган прогнозга асосан ўтказиш.	Ҳар йили 1 октябрига қадар
2	Қўмита	Вакцинация тадбирларини ўтказишида жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқаруви органлари томонидан маълумотлар тақдим этилиши.	Доимий равища
3	Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ветеринария осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва тарқалишининг	Доимий равища, ҳар ойнинг якунида

		олдини олишга доир эпизоотияга қарши тадбирлар бўйича мониторинг хуносаларини тақдим этиш.	
4	Қўмита	Эпизоотия бўйича тизимли мониторинг натижаларига асосланиб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ҳудудларни ўрганиш ва эпизоотияга қарши курашиш чораларини кўриш зарурлиги тўғрисида тезкор хабар бериб бориш.	Доимий равишда
5	Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Вакцинация тадбирлари ўтказилишини назорат қилиш.	Доимий равишда
6	туман (шаҳар) бўлимининг ветеринар ходимлари	Вакцинация тадбирларини ҳар бир ҳудудда ўтказиш.	Ҳар йили тасдиқланадиган касалликларга қарши курашиш тадбирлари бўйича

	(махсус эмлаш гурухлари)		йўриқномага мувофиқ
7	Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ўтказилган вакцинация тадбирлари бўйича ҳисботни Қўмитага тақдим этиш.	Тадбирлар якуни бўйича
8	Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари	Ўта юқумли касалликларнинг тарқалиш ҳолатидан келиб чиқиб келгуси йил учун харид қилинадиган вакциналар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Қўмитага тақдим етиш.	Хар йил 1 июнга қадар

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш
қўмитасига

**Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар етиштириладиган
ва ишлаб чиқариладиган хорижий мамлакат ҳудудидаги эпизоотик
вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассис юборилиши юзасидан
АРИЗА**

Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида _____ давлатига мутахассис
ажратишингиз сўралади.

1.	Импорт қилувчи: (юридик манзили, СТИР, тел., электрон почта)	
2.	Экспорт қилувчи: (юридик манзили, тел., электрон почта, веб- сайт)	
3.	Товар номи:	
4.	Товарнинг ТИФ ТН коди:	
5.	Товар етиштирилган ва ишлаб чиқарилган давлат номи:	
6.	Товар етиштирилган ва ишлаб чиқарилган давлатнинг ҳудуди (штат, провинция, хўжалик ва ҳ.к.) номи:	
7.	Товарни экспорт қилишдан олдин карантинга олиш жойи (агарда тирик ҳайвон бўлса):	
8.	Товар ишлаб чиқарувчининг хорижий мамлакатдаги давлат ветеринария хизмати томонидан рўйхатдан ўtkazilganlik тўғрисидаги реестр рақами (гўшт комбинатлари, сут заводлари ва ҳ.к):	
9.	Аризага иловалар (агар мавжуд бўлса):	

Ф.И.О.:

Имзо: